



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI
HAY'ATI MAJLISINING BAYONI**

20 22- yil « 06 » iyul

№ 01-06/13

Toshkent sh.

- Раислик қилувчи:** А. Саъдуллаев – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори
- Иштирок этганлар:** Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳайъати аъзолари, Агентликнинг марказий аппарати бошқарма ва бўлимлари, ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти раҳбарияти *(рўйхат бўйича)*
- Мажлис ўтказиш жойи:** Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати биноси мажлислар зали, видеоконференцалоқа оркали жойлардаги студиялар

Ҳайъат мажлиси раиси кун тартибини муҳокамага қўйди ва кун тартиби Ҳайъат аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

КУН ТАРТИБИ:

Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарларининг 2022 йил II чорагида фаолият самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари натижалари тўғрисида

(Саъдуллаев, Ходжаев, Каттаханова, Абляров ... Саъдуллаев)

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги **ПҚ-5189-сон қарори** асосида Агентликда фаолият самарадорлигини баҳолаш тизими изчил амалга оширилаётганлигини таъкидлаб, 2022 йилда ёшлар сиёсати доирасида амалга оширилаётган шиддатли ва кенг қўламли ислохотлар жараёнида Агентлик олдида турган устувор, стратегик ва долзарб вазифаларни тезкор ҳал қилишда директор ўринбосарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, вазифалари ва ваколатларини аниқ

белгилаш, шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишини асосий мезонлар орқали келгусида ҳам баҳолаб бориш лозимлигига алоҳида тўхталди.

Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарларининг 2022 йил II чорагида фаолият самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолашнинг асосий **кўрсаткичлари натижалари** юзасидан Ахборот-таҳлил ва ижро назорати бошқармаси бошлиғи С.Абдуназаровнинг ахбороти тингланди.

Агентлик хайъатининг 2022 йил 5 январдаги мажлисида Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарларининг 2022 йил учун фаолият самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни **баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари тасдиқланди** ҳамда ижрога қаратилди.

Ушбу баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари доирасида 2022 йил I ярим йиллиги давомида Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарлари раҳбарлигида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, 2022 йил I ярим йиллигида фаолият самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари директорнинг биринчи ўринбосари **Ж.Б.Ходжаев** томонидан 101 фоизга, директор ўринбосари **Ф.К.Абляров** томонидан 109 фоизга, директор ўринбосари **Д.С.Каттаханова** томонидан 114 фоизга бажарилди.

2022 йил III чораги учун ҳам Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилди.

Агентлик директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишни баҳолашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари статистик ва идоравий ҳисоботлар ҳамда таҳлилий маълумотлар асосида тизимли мониторинг қилиб борилади.

Мониторинг натижалари асосида директор ўринбосарларининг фаолияти танқидий таҳлил асосида ҳар чорақда Агентлик хайъати кун тартибига киритилади.

Кун тартибидаги масала юзасидан маъруза ҳамда билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида **Хайъат қарор қилади:**

1. Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарларининг 2022 йил II чорагида фаолият самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни **баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари** ижроси натижалари ҳамда Агентлик директори ўринбосарларининг 2022 йил III чораги учун фаолият самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилганлиги тўғрисидаги **ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарларининг 2022 йил II чорагида фаолият самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари ижроси натижалари тўғрисидаги маълумот **1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

3. Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарларининг **Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган асосий мезонларга мувофиқ ишлаб чиқилган 2022 йил III чораги учун фаолият самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

4. Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарларининг эътибори уларнинг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан **Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида шахсан жавобгар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдор эканлигига қаратилсин.**

5. Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарлари мазкур баён билан тасдиқланган фаолият кўрсаткичлари ижроси бўйича **ҳар ой оммавий ахборот воситалари, шу жумладан теле ва радио каналлар орқали ахборот берилишини таъминласин.**

6. Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарлари томонидан мазкур баён билан тасдиқланган фаолият кўрсаткичларининг бажарилиши ҳолати ҳар чорак якунида Агентлик Ҳайъати йиғилишида танқидий кўриб чиқилиши, унда ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятига шахсий баҳо берилган ҳолда тегишли материаллар **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига** киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

7. Мазкур баён ижросини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирлар, шу жумладан, Агентлик директори ўринбосарлари фаолияти кўрсаткичларининг бажарилиши ҳолатини ҳар ой якуни бўйича оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш Ахборот ва медиа хизмати (Н.Абдукодиров), ҳар чорак якуни бўйича Агентлик Ҳайъати йиғилиши материалларини тайёрлаш Ахборот-таҳлил ва ижро назорати бошқармаси (С.Абдуназаров) зиммасига юклансин.

8. Мазкур баён ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар ишлари агентлиги
директори**



А. Саъдуллаев

**Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарларининг 2022 йил II чорагида фаолият самарадорлигини ҳамда мақсадли вазибаларга эришишни баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари
натижалари**

1-илова

№	Асосий мезонлар	Ўлчов бирлиги (кўрсаткич)	шу жумладан:						Умумий %
			I чорак			II чорак			
			режа	амалда	%	режа	амалда	%	
Директорнинг биринчи ўринбосари (Ж.Б.Ходжаев) комплекси									
1	"Вазир, ҳоким ва ёшлар" очиқ мулоқотларини ташкил этиш.	минг нафар	4,6	5,1	111%	8,4	8,85	105%	108%
2	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан тизимларида фаолият юритаётган ёшларни қўллаб-қувватлаб борилиши мониторингини ташкил этиш.	минг нафар	5	5,2	104%	10	10,215	102%	103%
3	Давлат ва хўжалик бошқарув органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги фаолиятини баҳолаб бориш.	та	6	7	117%	8	8	100%	109%
4	Ёшларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш	минг нафар	4	4,20	105%	22	23,5	107%	106%
5	Ёшларга деҳқончилик фаолияти учун экин майдонлари ажратилишига кўмаклашиш	минг нафар	14	15	107%	35	36,5	104%	106%
6	Тадбиркорликка қизиққан ёшларга мотивацион тренинглар ташкил этиш	та	8	9	113%	30	32	107%	110%
7	Ёшларга тадбиркорлик лойиҳалари учун имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашиш	минг нафар	11	10	91%	32	36,2	113%	102%
8	Ёшларни ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашиш	минг нафар	14	15,5	111%	40	41,2	103%	107%
9	Ёшларни инновацион, амалий истиқболли стартап лойиҳаларига грант маблағлари ажратиш	нафар	0	0	0%	0	0	0%	0%
10	"Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва сертификат олган ёшларга компбтер харидлари учун истеъмом кредитлари ажратиш ҳамда мазкур кредитларнинг фоиз тўловларини компенсация қилиш.	нафар	100	105	105%	500	556	111%	108%
11	Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш йўналишида нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ижтимоий буюртма ажратиш	млрд.сўм	1	2	200%	2	2	100%	150%
Умумий самарадорлик кўрсаткичи - 101 фоиз (Аъло)									

Директор ўринбосари (Ф.К.Абляров) комплекси

1	Маданият ва санъат тўғаракларига ёшларни жалб қилиш	минг нафар	115	117	102%	115	115	100%	101%
2	Спорт тўғаракларига ёшларни жалб этиш	минг нафар	150	152	101%	100	103	103%	102%
3	Ёшлар ўртасида оммавий спорт ҳамда соғлом турмиш тарзи юзасидан тарғибот тадбирларини ташкил этиш	та	150	210	140%	150	150	100%	120%
4	"Ёш китобхон" республика танловини ташкил этиш	минг нафар	310	554	179%	0	0	0%	90%
5	"Ёш китобхон оила " республика танловини ташкил этиш	минг нафар	11	0	0%	11	13	118%	59%
6	"Республика ёшлар овози" фестивалини ташкил этиш	минг нафар	10	0	0%	10	12	120%	60%
7	Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ҳамда ҳуқуқий билимларини юксалтиришга қаратилган тадбирлар ташкил этиш	та	5	12	240%	5	4	80%	160%
8	Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида ўқиш харажатларини компенсация қилиш	нафар	2120	358	17%	6360	5800	91%	54%
9	Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадалини қоплаб бериш	нафар	1410	1065	76%	4230	4608	109%	92%
10	Ёшлар иштирокида ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини амалга ошириш	минг нафар	260	292	112%	178	180	101%	106%
11	Миллатлараро тотувлик бўйича фестиваллар ташкил қилиш	та	1	4	400%	1	1	100%	250%
Умумий самарадорлик кўрсаткичи - 109 фоиз (Аъло)									

Директор ўринбосари (Д.С.Каттаханова) комплекси									
1	Халқаро фан олимпиадаларида иштирок этадиган ёшларнинг харажатларини қоплаб бериш	нафар	0	0	0%	0	0	0%	0%
2	Халқаро сертификатларда юқори балл олган ёшларга компенсация тўлаб бериш	нафар	1200	1582	132%	1350	1381	102%	117%
3	“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг хорижий тиллар, умумтаълим фанларида ўқиши ва миллий сертификат олиши учун компенсация тўлаб бериш	нафар	200	0	0%	350	0	0%	0%
4	Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик ва дўстона алоқаларини ўрнатиш.	та	1	2	200%	3	3	100%	150%
5	Хорижда таълим олаётган ва меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшлар билан мулоқотлар ўтказиш ва уларнинг муаммоларини ўрганиш	нафар	500	600	120%	800	850	106%	113%
6	Меҳрибонлик ўйи битирувчиларинининг ҳайдовчилик курсларида ўқитиш ва сафарбарлик чақирув резерви хизматига бориш харажатлари учун субсидия ажратиш	нафар	15	31	207%	15	12	80%	143%
7	Болалар ва ёшлар ўртасида репродуктив саломатликни тарғиб қилиш (Беғараз қон топширувчилар яъни донорлар сонини кўпайтириш)	нафар	150	600	400%	150	150	100%	250%
8	Волонтер мактабларида волонтерлар ёшларни жалб этиш ва фаол волонтерларни рағбатлантириш	нафар	980	1680	171%	980	980	100%	135%
Умумий самарадорлик кўрсаткичи - 114 фоиз (Аъло)									

**Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарларининг 2022 йил III чораги учун
фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг**

АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ

2-илова

№	Асосий мезонлар	Ўлчов бирлиги (кўрсаткич)	III чорак
			режа
Директорнинг биринчи ўринбосари (Ж.Б.Ходжаев) комплекси <i>(ёшларга оид давлат сиёсатини мувофиқлаштириш, маҳалладаги ёшлар билан ишлаш ва беш муҳим ташаббус лойиҳаларини амалга ошириш бўйича)</i>			
1	Маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш	млн. нафар	2
2	Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фаолият юритаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш	млрд.сўм	2,5
3	Вазирлик, идора ва ташқи лотлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ёшлар билан очиқ мулоқотларини ташкил этиш	дона	4500
4	Беш муҳим ташаббус доирасидаги ишларни тизимли равишда мувофиқлаштириш орқали ёшлар қамровини кенгайтириш	млн. нафар	0,5
5	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш	нафар	95
6	«Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши	та	20

Директор ўринбосари (Ф.Абляров) комплекси

(ёшлар бандлигига кўмаклашиш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича)

1	«Ёшлар дафтари»ни тизимли равишда юритиш, ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш	млрд. сўм	187,5
2	Профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга улар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтган вақтида ҳар ойлик субсидия ажратиш	минг нафар	0,1
3	Хусусий корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинган ҳамда фаолият бошлаганига олти ойдан ошмаган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қайта тайёрлов курсларида ўқитиш билан боғлиқ бўлган харажатларни компенсация қилиш	минг нафар	0,1
4	«Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва сертификат олган ёшларга компьютер (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган) харидлари учун истеъмол кредитлари ажратиш	нафар	950
5	Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш	та	7
6	Ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш	млн. нафар	2
7	Ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи тарғибот материалларини чоп этиш	минг дона	1
8	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш	нафар	165
9	«Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши	та	25

Директор ўринбосари (Д.С.Каттаханова) комплекси

(таълим муассасаларидаги ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар билан ишлаш ҳамда халқаро алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича)

1	Халқаро таълим дастурлари (имтиҳонлар) бўйича энг юқори балл тўплаган иқтидорли ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини қоплаб бериш	нафар	1600
2	Ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишлари учун янада кенгроқ имконият яратиш	та	2
3	Таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ёшларни волонтерлик фаолиятига жалб этиш	минг нафар	700
4	Ёшлар ташкилотларида волонтерлик клублари ва гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш	дона	20
5	«Имкон таълим» гранти орқали ногиронлиги бўлган ёшларни ахборот технологиялари соҳасининг «Веб дастурлаш», «График дизайн», «Социал медиа маркетинг» ва шу каби йўналишларда грант асосида бепул ўқитиш	нафар	20
6	«Меҳрибонлик» уйлари, Болалар шаҳарчаси ёки оилавий болалар ўйи тарбияланувчилари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг ҳайдовчилик курсларида ўқиш харажатларини ва сафарбарлик чақирuvi резерви хизмати бадалини тўлаб бериш тизимини жорий қилиш	минг нафар	5
7	Ёшлар муаммоларини тадқиқ қилиш ишлари самарадорлигини ошириш, социологик тадқиқотлар ўтказиш	та	2
8	Ўзбекистонда ёшлар муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари, ҳудудлар ва ташкилотларда ушбу йўналишдаги ишлар натижадорлиги ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасига доир таҳлилий ҳужжатлар тайёрлаш	та	3
9	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш	нафар	115
10	«lrgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши	дона	25